

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

МУСТАҚИЛ ИШ

Мавзу: Биологик хилма-хиллик

Бажарди: Тожибоев Акбар

Текширди: Д.Махкамов

ТОШКЕНТ 2011

Ер куррасининг биосфера қобиғида яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли шакллари, кўринишлари ва турлари экотизимларда ранг-баранглигидан кўра, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чунки экологик тизимда организмлар нафақат ранг-баранглиги, балки каттаю-кичиклиги, маълум бир ишларни, функцияларни бажара олиши, муайян табиий жараёнларда қатнашиши билан ҳам иштирок этади. Уларнинг ҳар бири, рангидан қатъи назар, биосферада маълум бир экологик функция бажаради. Ҳеч қачон тупроқда азотли бирикмаларни (нитратларни) парчаловчи микроорганизм – бактерияларнинг функциясини бошқа тупроқда яшовчи микроорганизмлар бажара олмайди. Шу сингари ўтхўр ҳайвонларнинг озиқа-занжирдаги ўрнини йиртқич ҳайвонлар боса олмайдилар.

Ер куррасида 500 мингдан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, инсонлар кундалик ҳаётий фаолиятларида уларнинг 6000 туридан фойдаланадилар, холос. Ўсимликларнинг 1500 тури доривор ўсимликлар туркумига киради. Ўзбекистонда 4148 ўсимлик дунёси туридан 577 таси доривор, 103-бўёқдор ва 560-эфир мойлидир. Ўрмонлар республикамиз умумий майдонининг 5,1 фоизини ташкил этади, лекин уларнинг ер юзини қоплаганлик даражаси 0,3- 0,4 фоизга тенгдир. Кейинги 20 йил ичида экологик вазиятнинг ёмонлашуви сабаби Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ўсимлик дунёсининг 147 тури киритилди.

Ер куррасида ҳайвонот дунёсининг 2 миллиондан ошiqқ тури мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирини экотизимларда ўз ўрни ва фойдали экологик хусусиятлари бор. Ер юзида яшовчи ва ўсувчи ноёб ва йўқолиб кетаётган тирик организмларнинг кунига бир тури мамлакатлар ёки дунё Қизил Китобларига киритилмоқда. Шунинг учун ҳам инсонлар уларнинг хилма- хиллигини сақлаб қолишлари зарур.

Гарчи, атроф-муҳитга бўлган хавотирлик тарихан мавжуд бўлсада, фақатгина ўтган юз йилликнинг 60 йилларидан бошлаб экологик деградация ва турларнинг ҳамда

экотизмларнинг йўқолиб кетишига алоқадор хавотирлик халқаро кучли бирлашувига олиб келди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар каторида асосий ўринга эга бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблея (БМТ БА) резолюцияси ҳисобланади. 1962 йилнинг 18 декабрида БМТ БА томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таълим, фан ва маданият масалалари бўйича (ЮНЕСКО) мақулланган ташаббус ва тавсияномалари “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни қўриқлаш” бўйича резолюция қабул қилди.

Бу резолюция биринчи бор атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланишга алоқадор учта асосий низомни ажратиб берди:

1) атроф-муҳит мажмуини, флора ва фаунанинг табиий ресурсларини яхлит муҳокама қилиш;

2) “табиатни муҳофаза қилиш” терминини бундан ҳам кенгроқ, яъни “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” терминига интеграция қилиш;

3) табиатни муҳофаза қилиш ва иқтисодий ривожланиш манфаатларини органик мужассамлаштириш концепцияси. Кейинроқ, 1968 йилнинг 3 декабрида БМТ БА қабул қилган резолюциясида атроф-муҳитнинг қулай шароити асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш учун муҳим роль ўйнаши қайд этиб ўтилади.

Инсониятни ўраб турган атроф-муҳит бўйича Стокгольмда 5-16.06.1972 й. да бўлиб ўтган БМТ конференциясида атроф-муҳит деградация муаммоларини ечиш учун тезкор чоралар қабул қилиш зарурлиги билдирилди.

Айнан шу табиатни сақлашнинг умумий муаммоларига дунё ҳамжамияти эътиборини жалб қилишга нуфузли қадам бўлди. Япония ва Сенегал делегациялари таклифига кўра 5 июнь – Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни деб таъсис этиш ҳақидаги ташаббусни Конференция қабул қилди, бу ҳам ўз навбатида БМТ БА резолюцияси томонидан 15.12.1972 й. да таъсис этилган эди. Стокгольмдаги конференция ҳамма давлатлар табиатни муҳофаза қилиш ва

табiiй ресурслардан рационал фойдаланишга йўналтирилган ўз фаолиятларида амал қилиши шарт бўлган 26 принципни ўз ичига олган декларацияни (“Стокгольм декларацияси”) ни қабул қилди. Ушбу декларацияда илк бора атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш ҳозирги ва келажак авлод учун инсониятнинг энг аҳамиятли масалаларидан эканлиги эълон қилинган. Асосан ҳар бир давлат ўз табiiй бойликларига ишлов бериши ҳуқуқи, ушбу фаолият бошқа мамлакат ва районларнинг атроф-муҳитига зарар етказмаслигини таъминлашдаги маъсулиятни ҳис этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Стокгольм конференциясидаги яна бир муҳим воқеа БМТ нинг атроф-муҳит бўйича (UNEP) дастурларини ташкил топиши бўлди. Етмишинчи йилларнинг охирларида UNEP “бузмасдан ривожланиш” га ўтиш кераклигига чақирди.

1980 йил сентябрь ойида БМТ БА “Ернинг табиатини ҳозирги ва келажак авлодга сақлаб қолиш учун давлатларнинг тарихий маъсулияти тўғрисида” ги резолюцияни қабул қилади. Бу резолюция бутун мамлакат ва халқлар томонидан қуролларни камайитириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги тадбирларни ташкиллаштириш бўйича муайян чоралар қурилишига чақиради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш халқаро-ҳуқуқий принципларини тизимлаштириш ва табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича 1982 й. 28 октябрдаги БМТ БА резолюциясида маъқулланган Бутунжаҳон табиат хартияси кейинги қадам бўлди ва Стокгольм декларациясидан фарқли ўлароқ, овоз бериш орқали тантанали равишда эълон қилинди.

1987 йилда БМТ нинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш Халқаро комиссияси (WCED, ёки “Брундтланд комиссияси”, шу комиссия раиси Гру Харлем Брундтланд хоним номига аталган) “Бизнинг умумий келажак” доклади асосий эътиборни “бугунги кун муаммолари келажак авлод манфаатларига зиён етказмасдан ҳал қилинаётган барқарор ривожланиш” заруриятига қаратилди. Гап бу ерда шу ҳақда борадики, “ҳозирги замон эҳтиёжларини қондириш келажак авлоднинг ўз эҳтиёжини

кондиришдаги хусусиятига путур етказмайди”. Амалий маънода “барқарор ривожланиш – ўтказилаётган тадбирлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларни, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни тўғри тақсимлаши лозим”. Шу нуқтаи назардан, “барқарор ривожланиш” тушунчаси Брундтланд комиссияси томонидан белгилаб берилган “барқарор бошқариш” тушунчасига етарли даражада яқиндир, яъни “табiiй ресурсларни бошқаришда ҳозир яшаётган фойдаланувчилар келажак авлод потенциалига зарар етказмаган ҳолда фойда кўриш”.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг иккинчи таҳрири “Ер ҳақида ўйлаш – барқарор борлиқ стратегияси” деган ном олди ва 1991 йилнинг октябрида чоп этилган. Бу таҳрир ўзи билан бирга таҳлил ҳамда ҳаракатлар режасини касб этади. Ушбу нарса бир пайтнинг ўзида сиёсат соҳасида ҳам умумий, ҳам амалий бошқарувдир. “Ер ҳақида ўйлаш” уч қисмдан иборат. I қисмда “барқарор жамиятнинг” тузилиши бўйича 9 та принцип белгиланган ва шундай тузилишга эришадиган 59 ҳаракат бўйича тавсияномалар берилган. II қисмда I қисмда кўрсатилган принципларни қўллашдаги 62 та қўшимча ўта муҳим табиатдан фойдаланиш ва сиёсат соҳаларида ҳаракатлар келтирилган. III қисмда эса, гап мана шу режаларни мувофиқ тадбирлар орқали ҳаётга татбиқ этиш ҳақида боради. Стратегияда шунингдек, ривожланишдаги “барқарорлик” билан боғлиқ асосий тушунчаларга таърифлар берилган. Аслида “барқарор ривожланиш” тушунчаси остида “экотизимларнинг потенциал имкониятларини оширмаган ҳолда инсон ҳаёти сифатини яхшилаш” тушунилади.

“Барқарор фойдаланиш” термини фақатгина янгиланган ресурслардан фойдаланишга ишлатилади. “Барқарор иқтисодиёт” барқарор ривожланишнинг натижаси ҳисобланади. Бундай иқтисодиёт “асосий табiiй ресурсларга зарар етказмайди, атроф-муҳитга мослашган ҳолда ривожланади, янги илмий тадқиқотлар ва техник такомиллаштиришлардан фойдаланади”. “Барқарор жамият” ривожланиш соҳасида ва атроф-муҳитдаги барқарорлик принциплари асосида яшайди.

Конференция биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (ЮНЕП, Найроби 22.05.1992 й.) ни мувофиқлаштирилган текстини қабул қилишга биноан “барқарор фойдаланиш” тушунчасини биологик ресурсларга кўра шундай белгилаб берди: “биологик хилма-хиллик компонентларидан узоқ муддатли истиқболда биологик хилма-хилликнинг камайиб кетишига олиб келмайдиган тарзда ва шундай суръатларда, шу билан бирга ҳозирги ва келажак авлод эҳтиёжларини қондириш хусусиятини сақлаган ҳолда фойдаланиш ва уларнинг орзу умидларига жавоб бериш” .

Барқарор ривожланиш дунёвий жараёнининг катта ҳиссаси Бутунжаҳон юқори даражадаги (“Ер саммити”) учрашувида БМТ нинг атроф-муҳит ва ривожланишга бағишланган Конференцияси (Рио-де-Жанейро, 3-14.06.1992 й) да қабул қилинган қарорлари бўлди. Бу конференция атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарор ривожланиш учун катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Рио-де-Жанейрода БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш декларацияси (“Рио-де-Жанейро Декларацияси”) ривожланиш ва атроф-муҳит соҳасида умумий характерга эга бўлган 27 принципни илгари сурди. 1992 йил Рио-де-Жанейро (Бразилия)да 156 мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган “Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилган Ўзбекистон Республикасида (1995 йил Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли қарори билан “Биологик ранг-барангликни сақланишнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилган.

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг мақсади сифатида қуйидагилар белгиланди: Ер куррасида биологик ресурсларнинг хилма-хиллигини сақлаш; халқ хўжалиги соҳалари (қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги) да биологик ресурслардан фойдаланишда давлатлар ресурсларга ва халқ хўжалиги соҳаларига зарар етказмайдиган усулларни қўллаш; генетик ресурсларни

ишлатиш ва улардан фойда олишда адолатли ва тенг ҳуқуқли усулларнинг қўлланилишини рағбатлантириш.

Шунинг билан бирга Ер саммити БМТ биргалигида Рио-де-Жанейрода қабул қилинган “XXI аср кун тартиби” ҳаракат дастури мамлакатларни барқарор ривожланиш йўлини тезлатишни аниқлайди. Ер саммитида тарихий келишувлар ҳужжатларида иккита бажарилиши лозим бўлган битим қабул қилинган: климатни ўзгариши тўғрисида БМТ Рамоч конвенцияси ва БМТ нинг атроф-муҳит дастури бўйича тайёрланган биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция. Ер саммитига киритилган учинчи халқаро битим БМТ – чўлланишга қарши кураш конвенцияси.

Планетамиздаги тирикликнинг асосий хусусиятларидан бири хилма-хиллик ҳисобланади. Бу эса эволюция жараёнида тирик организмларнинг адаптагенези натижасида юзага келган. Ҳозирги вақтда олимларимиз томонидан ҳайвонларнинг **2 миллионга яқин тури, 500 минг ўсимлик тури, 100 мингдан ортиқ замбуруғ тури ва 40 мингдан ортиқ содда ҳайвонлар тури қайд қилинган.** Бу цифрлар доимий эмас, чунки ҳар йили янги турлар кашф этилади.

Хилма-хиллик нафақат тирик мавжудотларда, балки экотизимлар ва биомларда ҳам учрайди. Шундай қилиб, биологик хилма-хиллик деганда тирик организмларнинг хилма-хиллиги, шунингдек экотизимлар, экологик комплекслар ва улар мавжуд бўлган бўғинлар тушунилади. **Мутахассисларнинг тахминий фикрига кўра, табиатда ҳаёт кечирувчи барча организмларнинг сони 30-70 миллион, деб ҳисобланади.**

Биологик хилма-хилликни бир неча жиҳатлар бўйича тасвирлаш мумкин:

- 1) Генетик хилма-хиллик,
- 2) Турлар хилма-хиллиги,
- 3) Экотизимлар хилма-хиллиги.

Генетик хилма-хиллик битта тур организмлари ўртасидаги генотипларнинг турли-туманлигини назарда тутди. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган ҳар бир тур йиғилган генетик ахборотни ўзида мужассамлайди, бу эса турнинг

атроф-муҳит ўзгаришларига ва табиатда ўз ўрнини топиши учун такомиллашиши ва мослашишига ёрдам беради.

Ерда яшовчи ҳамма турлардаги генотиплар хилма-хиллиги генофонддан иборат бўлади. Генофонд планетамиздаги мавжудликни зарурий шартлар билан келгусига сақлаб беришни амалга оширади.

Популяциянинг мавжуд бўлиши учун унинг тўғридан-тўғри атроф-муҳитга мосланиши зарур бўлади. Ушбу шароитларда унинг мавжудлиги генотип ва фенотипларга эга бўлиши билан таъминланади. Популяция келажақда мавжуд бўлиши учун муҳитга ўзининг мосланишини сақлаш имкониятига эга бўлиши керак, яъни муҳитнинг муқаррар ўзгаришларида ўзининг генетик структурасини ўзгартиради (Л.Меттлер, Т.Грегг, 1972). Бу популяцияда ўзгарувчан шароитларга мосланувчи янги генотип ва фенотипларнинг пайдо бўлиши ва такрор ишлаб чиқарилиши, демакдир. Популяцияга адаптив силжишни амалга оширишга имконият берувчи генетик мутаносиблик турли организмларда турли йўллар билан эришилади. Микроорганизмларда унинг кўп сонли популяциясининг катта тезликда кўпайиши билан ҳар бир вақт бирлигида тўлиқ етарли янги мутантларнинг сонига эришилади, шу билан бирга улар орасида одатда янги шароитларга мосланувчанлари топилади; бу мутантларнинг тез кўпайиши популяцияни сақлашни таъминлайди. Популяция миқдори (ўлчами) ва кўпайиш тезлиги кўп хужайрали айрим жинсли организмларда одатда анча кичик. Бу организмларда генетик мутаносиблик яширин генетик ўзгарувчанлик ҳисобига таъминланади.

Тур хилма-хиллиги-бу қандайдир организмлар жамоаси, экотизимлар, регионлар ичидаги ҳар хил турлар сонидир. Агар экотизимда қанчалик тур хилма-хиллиги юқори бўлса, ҳар хил ноқулай шароитларга унинг барқарорлиги шунча юқори бўлади.

Экотизимлар хилма-хиллиги (ландшафтлар хилма-хиллиги) яшаш жой хилма-хиллиги, биосферадаги биотик жамоалар ва экологик жараёнларни ўз ичига олади.

Ер юзидаги барча тирик мавжудотлар нафақат умумий келиб чиқиш жиҳатдан боғланган, балки бир зум ҳам тўхтамайдиган ўзаро қўллаб-қувватлаш билан тирикликни сақлаб қолишда иштирок этишади. Ҳар бир тур ўзининг махсус функциясини бажаради ва бошқасининг ўрнида бўла олмайди. Турли-туман турларнинг барча мажмуи Ер юзасида тирикликни таъминлаб туриш учун хизмат қилади.

Биологик хилма-хиллик муаммолари анча кенг ва мураккаб. Биологик хилма-хилликни ўрганишнинг асосий **мақсади** бу генофондни сақлаб қолишдир. Масалан, функционал жиҳатдан ўсимлик генофондини ўрганиш ва сақлаш бўйича 3 та асосий қараш мавжуд:

1) тур чегарасида шаклий хилма-хилликни, яъни полиморф турларни, қайсики турнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи географик ва экологик ареалларнинг кенгайишини баҳолаш орқали ўрганиш; полиморф турлар паст ихтисослашган, уларнинг функцияси беқарор, улар анча кенгроқ экологик диапазонда ривожланишга мосланишган, шунингдек селекция учун донор сифатида истиқболлидир.

2) Геном хилма-хиллигини, аллел чегарасидаги хилма-хилликни, уларнинг мутацияларини аниқлаб берадиган хромосом аппаратини ўрганиш. Хусусан, генофондни эволюционистлар аниқлашича, бу популяциядаги генлар хилма-хиллигидир (Северцев, 1987). Полиплоид турлар шакл ва тур ҳосил бўлиши учун потенциал саналади.

3) Табиий ва антропоген шароитлар ўзгаришига турларнинг хулқий жавобини башорат қилувчи адаптив реакцияларни ўрганиш.

Маълумки, Ер планетасида ҳаёт 3 миллиард йилдан ортиқ вақт ичида пайдо бўлган; бу вақт ичида тўхтовсиз эволюция жараёнида органик формалар ғаройиб хилма-хилликка эришган. Натуралист ва систематиклар томонидан XIX ва XX асрлардан ҳайвонларнинг миллиондан ортиқ формалари ва чорак миллиондан ортиқ ўсимлик турлари мавжудлиги аниқланган. Тахминларга кўра, Ер юзида организм турларининг доимо мавжуд бўлиб туриши бўйича уларнинг умумий сони миллиарддан ошади. Улардан 415

миллиондан кам бўлмаган тури ҳозирги вақтда Ерда ҳаёт кечиради. Ҳар бир тур ўз популяциясига эга. Генетик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, популяция-бу бир тур организмлари ўртасида чатишувчи макон ва замон бирлигидаги гуруҳдир. Популяция сони организмларнинг популяцияга миграцияси, шунингдек туғилиш ва ўлим ўзгариши натижасида ўсиши ёки камайиши мумкин. Популяция бошқа популяциялар билан қўшилиши мумкин ёки унинг барча аъзолари эмиграция ёки оммавий ҳалокат натижасида йўқолиши мумкин. Эркин чатишувчи организмлар гуруҳи ўртасида тақсимланган бутун генетик информациянинг жамини **генофонд** ташкил этади.

Маълумки, экологик нуқтаи назардан хилма-хиллик ҳақида гапирадиган бўлсак, экотизимли ва популяцион ёндошувларга тўхталишимиз керак бўлади (А.М.Гиляров, 1990). Экотизимга нотирик компонентлар билан бирга ўсимликлар (продуцентлар), ҳайвонлар (консументлар), бактерия ва замбуруғлар (редуцентлар), яъни ўзида тўлиқ углерод ва бошқа асосий биоген элементлар (азот, фосфор ва бошқ.) айланишини амалга оширишга қодир организмлар тўплами киради. Организмларнинг ҳаёт фаолияти жараёнларини ўрганишга қаратиладиган асосий эътиборни экотизимли ёндошиш, деб юритамиз. Экотизим ҳақидаги оддийгина тушунча - бу унга кирувчи турлар сони, деб қаралади. Ерда организм гуруҳларининг турлари сони бўйича энг бой турлар-ҳашоратлардир. Уларнинг умумий сони номаълумлигича қолмоқда, чунки тропик ўлкаларда яшовчи кўпчилик ҳашорат турлари рўйхатга олинмаган. Маълумотларга кўра (May, 1988), Ер юзидаги ҳашоратлар турлари сони 30 млн. дан кам эмаслиги кўрсатилган.

Экологияда популяцион қараш алоҳида турларга йўналтирилади. Ҳаммасидан қизиғи шуки, бу турлар муҳим хўжалик аҳамиятига эга (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги заракунандалари ёки хавфли касаллик чақирувчилар бўлиши мумкин), бироқ баъзан булар оддийгина оммавий ёки ноёб турлар бўлиб, ҳимояга муҳтож саналади.

Биологик хилма-хиллик — бу жамият эҳтиёжини иқтисодий, экологик ва маданий-эстетик жиҳатдан қондиришнинг зарурий потенциал захирасидир. Ҳозирги кунда биологик ресурсларга инсон таъсири ўсмоқда. Бунга асосий сабаб, аҳолининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланиши, савдо, ишлаб чиқариш, дунё бўйича эҳтиёжларнинг турли-туманлигидир.

Инсон фаолиятининг ривожланиши натижасида ўрмонларни кесиш, чўлларни ҳайдаш, ботқоқларни қуритиш, саҳрога сув чиқариш каби табиий экотизимларнинг бузилиши рўй бермоқда. Ўсимлик, ҳайвон ёки бирон бир бактериянинг йўқотилиши озиқ занжирнинг узилишига олиб келади. Бу ҳолатни эса юқори ривожланган технология ҳам тўхтата олмайди. Табиий экотизимдаги турларнинг йўқолиши ва нотирик компонентларнинг ўзгаришига қарши 1992 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида биологик хилма-хилликни асраш бўйича Халқаро Конвенцияга имзо чекилди. Конвенцияда биологик хилма-хилликни сақлаш, биологик хилма-хиллик компонентларидан оқилона фойдаланиш, давлатлараро генетик ресурслар ва моддий ресурслардан, халқаро савдода тенг ҳуқуқлилиқ, ҳамма қонун доирасига мос келувчи технологиялардан фойдаланиб иш юритиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда 170 дан ортиқ мамлакат Конвенцияни тасдиқлашди. Ўзбекистон 1995 йил июн ойида Конвенцияни тасдиқлаш тўғрисида имзо чекди. Республикамизда “Биологик хилма-хилликни сақлаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси” дастури 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тур таркиби таҳлилини, зарурий хилма-хилликни баҳолаш ва экосистемадаги замонавий асосий синфлар статусини кўриб чиқишни вазифа қилиб қўяди. Шунини айтиш жоизки, ҳозирги пайтда республикамизда 15 минг турдаги ҳайвонлар, 4500 га яқин ўсимликлар турларининг рўйхати олинган. Шулардан 184 турдаги ҳайвонлар, 301 турдаги ўсимликлар республикамиз “Қизил китоби”нинг кейинги нашрига киритилган. Республикамизда биологик хилма-хилликни

сақлаш бўйича 9 та кўрикхона, 2 та миллий боғ фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон биохилма-хиллиги асосини ёввойи умуртқали ҳайвонларнинг 702 тури ва умуртқасиз ҳайвонларнинг 14900 га яқин тури (шулардан сутэмизувчилар 107 тур, қушлар – 448, рептилиялар – 60, сувда ва қуриқликда яшовчила – 3, балиқлар – 84, ҳашоратлар – 11000, моллюскалар – 223, халқали чувалчанглар – 61, юмолоқ чувалчанглар – 1179, ясси чувалчанглар – 533, энг содда ҳайвонлар – 850), ёввойи ҳолда ўсадиган ўтказувчи тўқимали ўсимликларнинг 4500 га яқин тури (йўсинлар – 150 га яқин, қирқбўғимлар – 2, қирққулоқлар – 19, очиқуруғлилар – 18, ёпиқуруғлилар – 4320), сувўтларнинг 2548 тури, замбуруғларнинг 2102 тури, лишайларнинг 500 га яқин тури, бактерияларнинг 2000 га яқин тури (кенг маънода), цианобактерияларнинг 822 тури ва вирусларнинг 300га яқин тури ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биологик хилма-хиллик Ер юзидаги барча экотизимларда мавжуд. Бирон бир турнинг йўқолиши ёки камайиб кетиши ҳар хил тур популяцияси учун ноқулайлик келтириб чиқаради. Чунки турлар доимо бир-бири билан турлича ўзаро боғланган. Сув экотизими ва қуриқлик экотизимларида турлар хилма-хиллигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бир бўлиб қолмоқда. Табиатдаги жамики ресурслардан оқилона фойдаланмаслигимиз оқибатида қанчадан- қанча турлар ва нотирик компонентлар хавф остида қолаяпти. Табиатнинг чиройли манзараси, кўркем гўшалари, ўзининг ҳайвонот ва ўсимлик оламининг ғаройиботлиги билан ажралиб турувчи биосферани сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Махсус муҳофаза этиладиган ҳудудлар яратиш; табиат ёдгорликлари ёки ўрмон резерватларини сақлаш; кўрикхоналар, буюртмахоналар, миллий парклар барпо этиш; ноёб эндемик ва реликт турларни “Қизил китоб”га киритиш; Ботаника боғларида сунъий экотизим яратиш, питомниклар қуриш, генофондни яратиш бугунги куннинг асосий

вазифаларидан биридир¹. Шунини таъкидлаш керакки, биологик хилма-хиллик, ҳайвон ва ўсимликларнинг генетик ресурслари махсус муҳофаза қилинадиган ҳудудларда самарали сақланаяпти, бироқ улар қиёсий даражада катта бўлмаган майдонларни ташкил этади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда махсус муҳофаза қилинадиган ҳудудлар республика майдонининг 4,6% қисмини ташкил этади. Қўриқхоналар эса 227,4 минг гектар ерни, яъни тахминан 0,5 % майдонни ташкил этади.

Демак, махсус муҳофаза чораларини талаб қилувчи турларни сақлаш, тиклашга доир, ваҳоланки биологик хилма-хилликни асраш бўйича мукаммал дастурларни ишлаб чиқиш керак.

Биохилма-хиллик давлат ва халқ ривожланишида қай даражада муҳимлигини тўлиқ тушуниш учун биринчи навбатда унинг аслида нима эканлигини билишимиз лозим. Одатда, “биохилма-хиллик нима?” деб сўрасангиз, кўпчилик оддий қилиб “табиат”, ёки “ёввойи ҳаёт” деб жавоб беради. Аслида, биохилма-хиллик бу ҳаётнинг ҳамма турини ва сайёрамизда яшаб турган барча табиат тизимларини ўз ичига камраб олган кенг тушунчадир.

Биохилма-хиллик муқим тушунча эмас. У табиатнинг барча биологик қисмларининг бир-бирига боғлиқлигини билдиради.

Бу тушунча кўпинча уч қисмга бўлинади:

1) турларлар хилма-хиллиги – барча ўсимлик ва ҳайвонлар хилма-хиллиги, шу жумладан, турли бактерия ва микроорганизмлар;

2) генетик хилма-хиллик – генетик ашёнинг турлардаги ва улар орасидаги хилма-хиллиги;

3) экотизимлар хилма-хиллиги – экотизимларнинг бойлиги (шунингдек, тоғдаги ўрмонлар, даштлар ва саванналар, чўллар ва денгизлар ва б.).

Ушбу уч таркибий қисм биохилма-хилликни ташкил қилади. Шунинг учун бу қисмлардан ҳар бирини сақлаш биохилма-

¹ Биоразнообразие Западного Тянь-Шаня: Охрана, рациональное использование, 2002.

хилликни бутунлигича сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.

Биохилма-хилликка бошқа томондан ҳам қараш мумкин – айтайлик, биз “биосферада” яъни сайёрамизнинг тирик қисмида яшаймиз. Биосфера – жуда ҳаракатланувчан борлиқ, лекин шунга қарамасдан, ўзининг турли биологик қисмлари бойлиги ҳисобига ҳаётни сақлаш борасида жуда муқим.

Биологик ҳаёт бойлиги мавжуд бўлгани учун биосфера ташқи таъсирларга дош беради. Бу ташқи таъсирлар (яъни кутилмаган зарбалар, салбий тўқнашувлар) табиий (қуёш фаоллигининг фарқи каби) ва сунъий (инсон томонидан ўрмонларнинг кесилиши, қурилишлар натижасида табиий борлиқнинг бузилиши ва б. каби) таъсирларга бўлинади.

Ер юзида ҳаёт хилма–хиллиги қанчалик озайса, биосфера ташқи таъсирларга шунчалик мўрт ва таъсирчан бўлиб қолади. Биохилма-хилликнинг озлиги сайёрамизнинг узоқ умр кечириши имкониятларини озайтиради.

Биохилма-хиллик мамлакатимиз халқининг иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлаш ва маданий фаровонлигимиз омили ҳисобланади.

Лекин ҳозир бутун дунёда, шунингдек, мамлакатимизда ҳам биохилма-хилликнинг камайиб бориши – қимматли генлар, турлар, бутун экотизимларнинг йўқолиб бориши ҳавфи мавжуд. Динозаврлар давридан бери яъни 65 миллион йилдан бери йўқолмаган табиий турлар одамлар яратган шароитда йўқолиб бормоқда.

Биохилма-хилликнинг йўқолиб бориши шу суратда давом етар экан, тахминан 100 йилдан сўнг ер юзасидаги турларнинг ярми инсонлар таъсиридаги табиий яшаш жойларининг бузилиши, ифлосланиш, иқлим ўзгариши каби муаммолардан йўқолиб кетиши мумкин.

Биохилма-хилликка одамлар томонидан таъсир этувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч – биологик ресурслардан фойдаланишнинг ортиши, ишлаб чиқариш фаолияти, қишлоқ хўжалиги ва турар жойларимизнинг кенгайиши ҳисобланади. Бу дегани, биз ўсиш жараёнини, истеъмол, савдо ва бошқа соҳаларни умуман тўхтатишимиз керак деганимикан?

Албатта, йўқ. Бироқ, барча одамлар ҳаёти давомида ва яшаши учун маҳсулотлар ишлаб чиқариши давомида биохилма-хилликка зарар етмаслигини ва унинг келажак авлодга сақланиб қолишини таъминлаб беришлари керак.

Биохилма-хилликнинг ёввойи ва маданий қисмларидан биз озиқланамиз, кийинамиз; ёғочдан овқат пиширишда, уй қуришда ва уй жиҳози тайёрлашда фойдаланамиз; бошқа қисмларидан эса тиббиётда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланамиз.

Биохилма-хилликдан олинадиган фойдани икки қисмга бўлиш мумкин:

(а) Биологик хизматлар:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига асосланган давлат. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши табиатнинг сифатига боғлиқдир.

Биохилма-хиллик маҳсулотнинг сифатида ўз аксини топади. Биологик турларнинг хилмахиллиги қай даражада кам бўлса, хизмат кўрсатиш доираси тор бўлади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига керакли табиий ресурслар сифати ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи паст бўлади.

(б) Маҳсулотларидан тўғридан–тўғри фойдаланиш:

Бизнинг давлатимизда биохилма-хиллик маҳсулотларидан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

ёғочдан ўтин сифатида,

ўсимликлардан гиёҳ ва озуқа сифатида,

хайвонларни овлаш орқали ва ҳ.зо.

Кўп ҳолларда биохилма-хиллик маҳсулотларидан фойдаланиш тартибсиз амалга оширилади, яъни табиат қайта тиклайдигандан кўра купроқ маҳсулот ишлатилади.

Ўзбекистонда биохилма-хиллик йўқолишининг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги ерларининг кенгайиши оқибатида биологик турлар яшаш жойларининг бузилиши ҳамда биохилма-хиллик маҳсулотлари ва хизматларидан нооқилона фойдаланишдир. Натижада табиат ресурслари миқдори озаяди ва деградацияга учрайди.

Ўзбекистон табиий кўрикхоналари ҳудудлари ва энг муҳим биологик турларнинг тарқалиш ҳудудларига

(ЭМБТТХ) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайишининг олдини олиш Ўзбекистоннинг табиий қўриқланадиган ҳудудлари (ТҚХ) биохилма-хилликни сақлашдаги асосий ўзак ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирда мамлакатдаги энг муҳим вазифалардан бири “ТҚХлардаги мавжуд биохилма-хилликни сақлашдир”. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, аниқроғи, янги ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигига тортилиши энг асосий ҳавфдир. КГДнинг вазифаси бундай кенгайишнинг олдини олиш ва иложи борида ёввойи турларнинг тарқалишига шароит яратиш мақсадида ТҚХ атрофларидаги ҳудудларни ёки ЭМБТТХларни тиклашдир.

Бузилган экотизимларни ҳамда биохилма-хиллик хизматлари ва функцияларини тиклаш ва ривожлантириш вазифа, мақсади мавжуд бўлган ҳудудларни тиклаш ва яхшилаш бўлган лойиҳаларга кўмаклашишга қаратилган бўлиб, биохилма-хиллик объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш мумкин бўлган ҳудудларда амалга оширилиши мумкин. Бу вазифа ҳудудларин ва биологик мажмуаларни нафақат жисмоний жиҳатдан тиклашни балки уларни бошқаришни такомиллаштиришни назарда тутди.

Мазкур иш тикланаётган ҳудудлар орасида алоқа ва экологик бутунлик бўлмаса маъносиз бўлиб қолади. Шунинг учун, топширилётган лойиҳалардаги тикланадиган ҳудудлар мавжуд ТҚХларнинг ва мавжуд табиий мажмуаларнинг ичида ёки атофида жойлашиши муҳим аҳамият касб этади, чунки бундай ҳудудлар ҳозирги кунгача муҳим биологик турларнинг тарқалиш ҳудудлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, мазкур вазифага экотизимнинг соғлом сақланишига ижобий таъсир қиладиган лекин ҳозирда бузилган хизматлар ва функцияларни тиклаш ҳам киради.

Биохилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режасида (1998) мақсадли масала аниқланган: Ўзбекистон ва Марказий Осиё биохилма хиллигини намоён этувчи ноёб ва йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги турларни сақлаш ва кўпайтириш, уларни табиий шароитларга реинтродукция қилиш, илмий изланишлар учун уларни

сақлаш йўллари ва келажакда улардан барқарор фойдаланиш. Бу қуйидаги мақсадларни ўз ичига олади: Махсус марказлар ва кўпайтириш бўйича кўриқланаётган ҳудудлар *ex-situ* ни ривожлантириш ва бор тажрибага таянган ҳолда мамлакатда табиатни муҳофаза қилишда бош мақсадларга эришиш учун мавжудлиги муҳим деб тан олинаётган жиддий таҳлика остида турган турларни сақлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш. Турларни аниқлаш, яшаб қолишини таъминлаш ва бу турларни кўпайтириш *ex-situ* ни амалий имконияти мавжудлигини баҳолаш учун алоҳида куч талаб қилинади. *ex-situ* кўпайтириш бўйича Ўзбекистон имконияти ва тажрибасини кўриб чиқиш, халқаро техник ва молиявий ёрдам потенциал манбаларини аниқлаш. *ex-situ* кўпайтириш бўйича марказларни ташкил қилиш учун маълум жойлар ва кўпайтирилаётган турлар реинтродукцияси амалга ошириладиган ҳудудларни аниқлаш. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва бу масалани тарғибот қилишда ҳайвонот боғлари, ботаника боғлари фаолияти вазамоновий вазифаларини баҳолаш. *ex-situ* сақлаш соҳасида халқаро тажриба баҳоси ва халқаро техник ва молиявий потенциал манбаларни баҳолаш.

Ҳайвонот боғлари ҳамда ботаника боғларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича дастурни ишлаб чиқиш, бу дастурда асосий диққат биоҳилма-хилликни сақлаб қолиш, илмий изланишлар, тарғибот ва таълим қисмида Ўзбекистон учун зарурлигига қаратилади.

Ўзбекистонда Маданият ва спорт вазирлиги ихтиёридаги иккита ҳайвонот боғи (Тошкентда ва Термизда), шунингдек, ЎзР ФА ИИМ “Ботаника”га қарашли ботаника боғи (Тошкентда) бор. Тошкент ҳайвонот боғининг (1924 й.дан бери фаолият юритади) асосий йўналиши – ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турларининг тирик коллекцияларини яратиш, уларни суъний кўпайтириш, республика ҳайвонот оламини муҳофаза қилишни тарғибот қилиш. Ҳозирги пайтда Тошкент ҳайвонот боғининг коллекцияси 124 ҳайвон туридан ташкил топган. Ботаника боғи (1922 й.дан бери) илмий-текшириш институти ҳуқуқлари остида 5 та лабораторияни ўз

ичига олган ҳолда фаолият юритади: ажнабий дендрофлора интродукциялари, маҳаллий флора реинтродукциялари, ноёб ва йўқолиб кетаётган ўсимликларни муҳофаза қилиш, гулли-декоратив ассортимент интродукцияси, тиббий ва саноат ботаникаси.

Тирик ўсимликлар коллекциясида мўътадил зонадан келган 6000 дан ортиқ тури ва шакллари мавжуд. Дендрофлора коллекцияси 2500 турни, шу билан бирга 170 игнабаргли ва 2200 ўтсимон ўсимликлар турларни ўз ичига олади. Ботаника боғида йўқолиб кетиши хавфига учраган ўсимлик турлари (лолалар, пиёзлар, эремуруслар ва б.) ex-situ етиштирилади, шу йўл билан уларнинг генофондининг сақланиши таъминланади. Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси “Жайрон” Экомарказида регионал ва глобал йўқолиб кетиши хавфига учраган ҳайвонлар (жайрон, кулан, Пржевальский тулпори) турларини сақлаш ва уларни суъний кўпайтириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Бухоро буғусини (хонгул) кўпайтириш Зарафшон қўриқхонаси ва “Бадай тўқай” (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги) қўриқхоналарининг вольер мажмуаларида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда 1991 йилдан буён Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бионазорат бўлимида ноёб турларни кўпайтириш бўйича махсус питомник “ТИН” базасида 100 ортиқ итолғи кўпайтирилган. Фақат 1997-1998 йй. 50га яқин ёш итолғилар олинган.

Тошкент ва Термиз ҳайвонат боғларида, Тошкент ботаника боғида ва “Жайрон” Экомарказида экскурсия хизматлари кўрсатиш йўли билан жамоатчилик орасида маориф ва таълимни ривожлантириш бўйича махсус иш дастури ишлаб чиқилган. Ҳар йили **ҳайвонат боғларига 200 000 киши тамошага келади**, уларни ҳузурида шаҳар ёш натуралистлар клуби фаолият кўрсатади. Ботаника боғига ҳар йили 22000 яқин киши ташриф буюради. Бу ташкилотлар кенг халқаро илмий-техник ҳамкорликда ишлаб, техник ҳамда халқаро ва чет эл ташкилотлари жамғармалари маблағларидан фойдаланмоқда (масалан, WWF-Int./HQ, RPO WWF, WWF-Pakistan, IUCN/HQ, USDA, IPGRI ва бошқалар).

“Жайрон” Экомарказида ярим тутқинлик шароитида кўпайтириш жараёнида ўстирилган 600 дан зиёд жайронлар табиий яшаш жойларига интродукция қилинган. Зарафшон ва “Бадай тўқай” кўрикхоналари вольтерлар комплексида ўстирилган бухоро буғиси (хонгул) табиий шароитларда йўқолиб кетган популяцияларини тиклаш мақсадида реинтродукция ишлари олиб борилмоқда. Жайрон ва бухоро буғисининг реинтродукция қилиш бўйича ишлар узлуксиз асосда олиб борилмоқда. Махсус питомникда тутқинлик шароитида кўпайтирилган итолғилар 1999-2001 йй. табиатга қўйиб юборилган. Ҳаммаси бўлиб Угам-Чотқол миллий боғида 15 ёш қуш учирилган. “Жайрон” Экомарказида Пржевалский оти (30 дан зиёд) ва кулон (50 га яқин) лар гуруҳи тузилган, унинг асосида бу турларни табиий шароитга реинтродукция қилиш бўйича ишларни бошлаш мумкин. 1982-1995 йй. бу экомарказ базасида глабол заиф қуш тури йўрға тувалоқни тутқинлик шароитида кўпайтириш бўйича ишлар бажарилиб, уни тутқинлик шароитида мувофақиятли кўпайтириш имконияти борлиги исботланган. Лекин, ҳозирги вақтда техник ва молиявий муаммолар бу турни табиий популяцияси сонини кўтариш мақсадида кўплаб кўпайтиришни йўлга қўйишга имкон бермай келмоқда.

Қайд этилган мамлакатнинг ҳаракатлари БХК стратегик режаларини қуйидаги мақсадларини амалга оширишда ҳисса қўшади:

Мақсад 1: Биохилма-хилликга оид халқаро масалаларни ҳал қилишда Конвенция бош рол ўйнайди.

1.5. Биохилма-хиллик тематикасига сектор ёки секторлараро режалар, дастурлар ва сиёсатларни регионал ва глобал даражада киритиш.

1.6. Конвенцияни амалга ошириш мақсадида томонлар регионал ва субрегионал даражада ҳамкорлик қилади.

Мақсад 2. Конвенцияни амалга ошириш учун томонлар молиявий, кадрлар, илмий ва технологик ресурслар потенциалини мустаҳкамлаш.

2.5. Илмий техник ҳамкорликни амалга ошириш потенциал яратишга катта ёрдам беради.

Мақсад 3. Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режалари, ҳамда биохилма-хилликни сақлаш стратегияси мулоҳазаларини секторлар стратегик фаолиятига киритиш Конвенция мақсадларига эришиш учун эффектив асос бўлиб хизмат қилади.

3.3. Биохилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланиш тематикасига миллий сектор ва секторлараро режалар, дастурлар ва сиёсатлар киради.

1995 йил Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциянинг (БХК) асосий мақсадларидан бири, амалиётда бу биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишда илмий билимлар ва технологик ютуқларнинг ўрни ката эканлигини тан олишдир.

Мамлакатлар ўртасида амалда маълумот ва технологиялардан фойдаланишда сезиларли фарқ мавжуд бўлганлигини ҳисобга олиб, Конвенция БХКнинг Воситачилик Механизмини ташкил қилди. У барча Ҳукуматларга, уларнинг биохилма-хиллик соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган маълумот ва технологияларга киришни таъминлаш учун ишлаб чиқилган. БХКнинг Воситачилик механизми Конвенциянинг бош глобал ахборот ресурси ва шу билан бирга уни амалга оширишда илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг барқарор тизими ҳисобланади.

БХКнинг Воситачилик механизмида барча ишларнинг асосий жараёнлари, Конвенцияга аъзо давлатларнинг Воситачилик механизмини Миллий мувофиқлаштириш марказларига юклатилган. Бундай марказлар биохилма-хиллик тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларни алмашишга масъулдирлар. Ҳозирги вақтда 154 та шундай марказлар мавжуд бўлиб, улардан 144 таси электрон манзилига ва 79 таси ўз веб-сайтига эга.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбек воситачилик механизмининг миллий мувофиқлаштириш маркази 2006 йилда ташкил этилди.

Воситачилик механизмининг биринчи босқичидаги вазифалари Ўзбекистондаги БМТнинг Ривожланиш дастурининг техник кўмаги билан амалга оширилаётган Глобал Экологик Жамғарма (ГЭЖ) ва Ўзбекистон Ҳукуматининг “Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасини амалга ошириш учун миллий салоҳиятни ривожлантиришда устувор эҳтиёжларни баҳолаш ва воситачилик механизми тузилмаларини яратиш” (АНСБ-ЧМ) Дастурига юклатилган.

Дастлаб биологик хилма-хилликни сақлаш соҳасида Ўзбекистоннинг маълумотлар кўламини баҳолаш амалга оширилди, давлат миқёсида маълумот сақловчи ва фойдаланувчилар ўртасида ишчи алоқалар ўрнатилди.

Булар натижасида қуйидагилар яратилди:

1) Биологик хилма-хиллик бўйича маълумотлар сақловчи-ташкилотлар ва манфаатдор томонлар ҳақидаги маълумотлар базаси;

2) Географик маълумот тизимлари (ГМТ) элементларини ва мета-маълумотларни ўз ичига олган дастурлар ва БХК масалалари бўйича турли мавзудаги маълумотлар базалари ва услубий маълумотлар;

3) ГМТ ва мета-маълумотларни ўз ичига олган Атроф муҳитни бошқариш бўйича Ахборот тизимининг (ЭИС) узвий бирикмаси сифатида биологик хилма-хилликнинг ахборот бошқариш тизими;

4) Биологик хилма-хиллик соҳасида экспертлар рўйхати.

“Воситачилик механизми” - инглизча “Слеаринг - Хоусе Мечанизм” атамасининг таржимаси, дастлаб аъзо-банклар ўртасида тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китобни пул ўтказиш йўли билан амалга оширувчи молиявий ташкилот маъносини англатган.

Мазкур веб-сайт Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (БХК) Воситачилик механизмининг Ўзбекистон Миллий мувофиқлаштириш маркази фаолиятига интернет-кўмакчи восита сифатида яратилди.

Сайт 2006 йил Ўзбекистондаги БМТ Ривожланиш дастурининг (БМТРД) техник кўмаги билан амалга

оширилаётган, Глобал Экологик Жамғарма (ГЭЖ) ва Ўзбекистон Ҳукуматининг “Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасини амалга ошириш учун миллий салоҳиятни ривожлантиришда устувор эҳтиёжларни баҳолаш ва воситачилик механизми тузилмаларини яратиш” Дастури доирасида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда БХКнинг Миллий мувофиқлаштирувчи маркази Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси дастурини ижро этувчи агентликдир.

1995 йил Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Биологик Хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенциянинг (БХК) асосий мақсадларидан бири, амалиётда бу биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишда илмий билимлар ва технологик ютуқларнинг ўрни ката эканлигини тан олишдир.

Ўзбекистон Республикасида экологик чора-тадбирлар ва ҳуқуқий рағбатлантиришнинг қонуний базасини ривожлантириш жараёни, давлат ва табиатдан фойдаланувчилар орасидаги муносабатлар бошқариш механизми ва тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, ҳамда миллий ҳуқуқий-қонунчилик базасини халқаро экологик конвенциялар ва битимлар талабига мослаштириш доимий равишда давом этмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ривожланишида атроф-муҳитга таъсир этишни баҳолашга алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги вақтда ЎзР Олий Мажлиси томонидан 50 дан зиёд қабул қилинган қонунлар Ўзбекистонда БХК қоидаларини татбиқ этишга имкон беради ва шулардан 30 таси тўғридан-тўғри уларни реализация қилишни таъминлайди.

Хусусан, ЎзР Конституцияси, Ер, Фуқаролик, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (9.12.1992 й.), “Фуқораларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” (янги таҳрири), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” (6.05.1993 й.), “Давлат санатория назорати тўғрисида” (3.07.1992 й.), “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” (2.09.1993 й.), “Наслчилик тўғрисида” (21.12.1995 й.), “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” (22.12.1995 й.), “Уруғчилик

тўғрисида” (29.08.1996 й.), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” (27.12.1996 й.), “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” (29.08.1996 й.), “Геодезия ва картаграфия тўғрисида” (25.04.1997 й.), “Энергиядан оқилонга фойдаланиш тўғрисида” (25.04.1997 й.), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (26.12.1997 й.), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (26.12.1997 й.), “Давлат ер кадастри тўғрисида” (28.08.1998 й.), “Ўрмон тўғрисида” (15.04.1999 й.), “Аҳолини ва ҳудудларни табиий техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” (20.08.1999 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида” (25.05.2000 й.), “Давлат кадастрлари тўғрисида” (15.12.2000 й.), “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (3.12. 2004 й.) қонунлар шулар жумласидандир.